

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиiddин Саййид
Муhamмад Али
Кенгесбой Каримов
Икбол Мирзо
Кахрамон Куронбоев
Минхожиiddин Мирзо
Жумакул Курбонов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриiddин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адхамбек Алимбеков
Жамолиiddин Муслим

Бош мухаррир – Сирожиiddин Рауф

Бош мухаррир ўринбосари – Азиз Санл

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудир – Икром Отамурод

Наср бўлими мудир – Санл Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудир – Ориф Хожн



Абдулла Орипов

лирикасида қадимги туркий сўзлар



Адиба
ДАВЛАТОВА

Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида даврлар ўтиши билан ўзгариши, бойиши табиий ҳолат. Энг қадимги ёзма ёдгорликларимиз, оғзаки ижод намуналари фикримизга мисол бўла олади. Дарвоқе, бадий адабиёт ижтимоий-сиёсий жараён, маънавий-маданий юксалиш – миллат тарихининг инъикосидир. Муайян ижодкор асарларини тадқиқ этганимизда, ўша давр муҳити, жонли халқ тили, анъана ва одатларидан ҳам бохабар бўламиз.

Ўзбек адабиётининг йирик вакили Абдулла Орипов шеъриятида ҳам қадим она юрт тараннуми баъзан эски туркий сўзларнинг истифодаси ўлароқ намоён бўлишини кузатиш мумкин.

*Ўзинг Алп Тўнғасан ёки,
Тутанхамон, эслаёлмассан.
Боис улким, бошингга тушди
Кўп гаврон, эслаёлмассан.*

Шоир умрининг сўнгги йилларида ҳам самарлари ижод қилди. Рухиятидаги тушқунлик кўпроқ учликлар ва ғазал шаклида қоғозга тушди. “Алп Эртунға” номли ғазали инсонга мурожаатдир. Алп Тўнға, Тутанхамон сингари тарихий шахслар номини келтириш билан мумтоз шеъриятдаги ийҳом санъатини вужудга келтирса, инсоният тамаддунидаги тарихий бурилишлар даврини ҳам ўқувчига эслатишни жоиз билади. Ушбу ғазалда “гаврон” термини учрайди. Мазкур термин Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларининг айрим ҳудудларида сақланиб қолган. Гаврон термини асосан чўпонлар томонидан ишлатилиб, подани ҳайдаш учун мўлжалланган, ўрик дарахтидан қилинган бир ярим метрлар атрофидаги қизил таёқ. Гаврон чўпоннинг елкаси узунлигида бўлиши керак.

Яна қадимги туркий сўзлардан “индир” сўзини ҳам учратамиз.

*Буюк фарзандларинг бордир
Самони ерга индирган,*

Адиба ДАВЛАТОВА – 1979 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг магистратурасини тамомлаган. Филология фанлари номзоди, доцент.

*Ва аммо учради афсус
Турфа хил ёлгон, эслаёлмассан.*

(Алп Эртунга. 6.01.2013)

Алишер Навоий асарлари луғати [1]да *индурулмак*, *индур* сўзи икки хил маънода келиши айtilган. Биринчиси, баланд, юксак, тик; иккинчиси, эгилган маъноларини англатади. “Индурмак” эса юқоридан пастга туширмоқ мазмунини бериши мисоллар билан изоҳланган.

*Тушкaч аҳли наво чолиб дерга,
Зухрани кўкдин индуруб ерга.*

(Сабъаи сайёр)

Навоий наво аҳлининг маҳоратидан ҳайртага тушиб, ҳаттоки Зухра сайёраси кўкдан уларнинг қошига тушиб келди – дея юксак даражада поэтик ҳолатни вужудга келтиради.

Шунингдек, ин лексемасининг ҳам изоҳи келтирилган бўлиб, икки хил мазмунда кўлланилишига мисоллар бор:

1.Ин – тушмоқ, юқоридан тушмоқ.

*Қуёш кулбамга ингандин манга юз қатла хушроқдур,
Қаро шомимни равшан айлаган шамъи шабистоним.*

(Хазойин ул-маоний III б, 406)

Яъни лирик қаҳрамон қуёш кулбасига тушгандан кўра, маҳбубани унинг қаро шомини ёритишини афзал билади.

2. Эгилмоқ маъноси. Ҳар кишига иродати дуруст бўлмас эрдик, донишманд эрди ва боши ҳар кимга инмас эрди.

(Насойимул муҳаббат. XV, 143)

Индур – тушурмоқ, эгмоқ, паст қилмоқ.

*Эй Навоий, бевафо давр аҳлига индурма бош
Ким алар қошида бош индурган эл бўйнин қашуб.*

(Хазойин ул-маоний. III б, 69)

Абдулла Орипов ҳам худди Алишер Навоий каби ушбу сўзни ҳозирги ўзбек адабий тилида ёзилган шеърига маҳорат билан сингдира олган.

Алишер Навоийнинг навосоз қаҳрамонлари каби миллатнинг ҳам самони ерга эга олган фарзандларига тарих кўп бора гувоҳ бўлган. Шоир минг афсус билан ана шундай инсонлар гоҳида ёлғонларнинг, тухматларнинг қурбони бўлганини ёзади.

*Ахир, кўз ўнгимда улгайди ниҳол,
Нега ғурурланмай, эккан мен ўзим.
Балки не оғочлар топгайдир завол,
Буларнинг умри-чи, жуда ҳам узун.*

(Арғувон. 17.07.2017)

Абдулла Орипов лирикасида қадимги туркий сўзлар

Шеърда дарахт сўзининг қадимги туркийдаги варианты маҳорат билан қўлланилган. Агар шоир ушбу сўзни дарахт, чинор, терак деб ўзгартирса, унда шеър мазмунини анча торайтириб қўйган бўлар эди.

Бундан ташқари ДЎНГ сўзини ҳам учратиш мумкин.

*Бир марта кўрганман,
Фақат бир марта,
Тушимнинг ҳаётда ростга дўнганин.
Бир марта кўрганман,
Фақат бир марта,
Ойнинг ўроғига юлдуз кўнганин.*

“Дўнгмак” – музламоқ, совукдан қотмоқ маъносини ифодалаб, қадимги туркий халқлар – бошқирд, уйғур, татар, озарбайжон, турк диалектларида учрайди.[2] Масалан, сув суёқ модда, лекин совукда музлаб қаттиқ жисмга айланади. Яъни лирик қаҳрамон виртуал-руҳий оламида содир бўлган воқелик – туш реаллик касб этган.

*Бойлик ва амал топиш қийин эмас дунёда,
Жиндек чаққонлик билан устакорлик бўлса, бас.
Душман-ку пойлаб турар ҳар ўру ҳар қиёда,
Фақатгина чин дўстни учратмоқ осон эмас.*

(Ватан меҳри. 2014 й)

Навоий асарлари изоҳли луғатининг 3-томи 611-бетида “ўр” сўзи – юкорилик, баландлик маъносида қўлланилиши ёзилган.

Худди шу манбанинг 4-том 19-бетида “қаё” икки хил маънода ишлатилиши ҳақида маълумот берилади. Биринчидан, тоғ, баландлик деган маънони англатса, иккинчидан эса “қиё”нинг – қоя, қирра, тик, уч каби изоҳлари келтирилади.

*Кийиб қатл айламакка лолодин тўн,
Қиёдин тиг тортиб мисли жаллод.*

(Хазойин ул-маоний. II а-393). НАИЛ. 4-том. 46-бет

Қадимги туркий сўзлар шоир ижодида самарлари қўлланилганига мисоллар талайгина. Масалан, “Пайдо” деб номланган ғазалида “ўтрик” сўзини учратамиз.

*Раҳмдилсан, раҳм бирла
Юпатдинг йиғлаганларни,
Не тилда нола бор – ўтрик,
Не кўзда сохта нам пайдо.*

(Ғазал. Пайдо.)

Абдулла Ориповнинг “Истиқлол манзаралари” туркуми шоир ижодида алоҳида ўрин тутати. Унда мамлакатимизнинг истиқлол йиллари ҳаёти, юксалишлар тарихий фактлар асосида ёритилган. Мустақиллик эълон қилинишидан анча йиллар олдин тасодифан бир чўпон йигит “катта давра”нинг “зўр мажлис”ида иштирок

этади. Унга сўз беришганида, у қанийди чекка ҳудудларимизга ҳам поезд борса, деб ниятини баралла айтиб юборади. Лекин бир зал “аҳли мажлис”нинг истехзоли кулгисига қолади. Лекин тез фурсатда тарих унинг орзуларини амалга оширди.

*Зўр мажлисдан сал ўтмай
Замонлар чеврилдилар.
Ёлгон кетиб ёлгонга,
Рост – ростга эврилдилар.*

Чеврул – айланмоқ, ўгирилмоқ маъносини ифодалаб, қадимги туркий халқлар лексикасида фаол ишлатилган. “Жонингиз эрамида файз шабнамидин нишот гули очилса, бу зори беқарор булбул каби ул гулшан теграсига чеврулгай”.

*Йўл кенгайса одам ҳам
Ундан улгу олгайдир.
Кимнингдир феъли аммо
Торлигича қолгайдир.*

“Улгу” сўзи халқ сўзлашув нуткида, айрим шеваларда ҳозир ҳам сақланиб қолган бўлиб, ўртак, намуна маъноларида ишлатилади.

*Ажиб сиймо эурсан,
Инжисмай дарҳол кечиргайсан,
Мурувватлар қилиб гоҳ,
Бўлса ҳам даввол кечиргайсан.*

“Инжимоқ” – ранжимоқ, хафаланмоқ маъноларини ифодалайди. “Кечиргайсан” шеърида шоир бандалар қанчалик гуноҳ қилмасин, кўпинча Оллоҳнинг раҳматига, мурувватига ноил бўлишини қаламга олади.

*Кимнидир қарғашар: – Кўзинг оқсин, деб,
Кимнидир алқашар: – Омад боқсин, деб.
Биров қўшнисини ёзғирар эди:
– Ёлмаган томингга ёмғир ёгсин, деб.*

Қуйидаги парчада эса торози детали – шайин сўзини қўллаган.

*Муз ҳам эриб бир кун майинланади,
Тарози бордирки – шайинланади.
Авлиё бўлиши мумкин ҳар одам,
Фақат пайғамбарлар тайинланади.*

Шоир шеъриятида она тилимизга бағишланган шеърлар кўп учрайди. Қуйидаги парчаларда ҳам қадимги туркий сўзларни маҳорат билан қўлланилганини кўриш мумкин.

Абдулла Орипов лирикасида қадимги туркий сўзлар

*Юксак Ҳисор тоғларининг бағрида қат-қат
Тошни ёриб ўсиб ётган наъматак эди.
Устоз Ойбек шеърин эслаб шоир Холмамат,
Бизнинг жойда унинг номи "Ҳулулу" деди.*

Юқоридаги парчадан “наъматак” сўзининг “ҳулулу” варианты халқимизнинг айрим шеваларида сақланиб қолганини билиб оламиз.

*Султон Бойқаронинг пинжига кириб,
Мартаба топишган ялтоқи зотлар
Қатл эттирганлар Мўмин Мирзони.*

“Пинжи” сўзи ўзбек халқ шеваларида “қўйни”, “бағри” сўзларининг экваленти сифатида фаол қўлланилади. Кўпинча салбий бўёқдор гапларда “пинжи” сўзи ишлатилади.

“Ялтоқи” сўзи аслида довдир, овсар маъносини беради. Кейинчалик хушомадгўй мазмунини англатган. Аслида бошида на ақл, на заковат бор кимсаларнинг ялтоқланиб, мартаба орттиргани танқид қилинган.

*Баҳор келса Ўрта чўлнинг далаларида,
Чўлиқларнинг даврасида куни ўтарди.
Гиёҳ териб гоҳо ўрим паллаларида
Ҳўпчиларнинг усулида байтлар битарди.*

(“Ҳаким ва ажал” достонидан)

“Чўлиқ” деб чўпоннинг ёрдамчисига айтилади. “Ҳўпчи” – ҳўкиз билан ғалла янчувчи киши. “Ҳаким ва ажал” достонидан олинган парчада “чўлиқ” ва “хўпчи” шахс оти бўлиб, қадимги туркий сўзлардан ҳисобланади. Ушбу сўзлар ҳозирда айрим ҳудудларнинг шеваларида фаол қўлланилади.

*Ҳаким дили алланечук гувранди шу дам,
Бамисоли эшитгандай бир сўз – жон физо.*

(“Ҳаким ва ажал” достонидан)

“Гувранмоқ” – ғурурланмоқ, фахр туймоқ маъноларини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, Абдулла Орипов шеърлятида қадимги туркий сўзлар ҳам фаол қўлланилган. Биринчидан, қадимги туркий сўзлар замонавий ўзбек шеърлятида маҳорат билан истифода этилган. Иккинчидан, шеърлар таҳлилига кўра китобхон қадимги сўзларнинг маъноларини қидиришга эҳтиёж сезади ва топишга интилади. Бу эса унинг она тилимиз тўғрисидаги тасаввурларини яна ҳам бойитишга хизмат қилади. Шоир шеърлари шу йўсиндаги илмий тадқиқотларга бемалол манба бера олади.

МУНДАРИЖА	
БАРХАЁТ СИЙМОЛАР	
БОТУ. ...Сирли дунё кўнглидан бир дарак.	4
НАЗМ	
Хуршид ДАВРОН. Туманларни кучоклаган тонг.	62
Гўзал БЕГИМ. Бахт бағримга кирдинг ўқсинмай.	67
Икром ОТАМУРОД. Оғиш. <i>Достон</i>	72
ХУМОЮН. Фалакда юлдузлар жилоси сирли.	98
Алишер НАРЗУЛЛО. Имтихони этар давом.	102
Мансур ЖУМАЕВ.	
Мен кам дийдорингга муштокман хануз.	106
НАСР	
Хуршид ДЎСТМУХАММАД. Ўйин. <i>Роман</i>	8
Неъмат АРСЛОН. Тут. <i>Новелла-эссе</i>	79
Кўчкор НОРҚОБИЛ. <i>Будуннинг ҳикоялари</i> .	
Ер аслида баланглади.	120
Хамма нарса қайтали.	124
Турсунмурод ЭРМАТОВ. <i>Икки ҳикоя</i> . Ёмғирда қолганлар.	129
Жиян.	132
ТАҲЛИЛ	
Абдурашул ЭШОНБОБОВ.	
Тасаввуф ва ўзбек муҳтоз адабиёти.	87
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Нозира ХОЛИҚОВА.	
Жалил шеъриятида хотин-қизлар масаласи.	91
Алиба ДАВЛАТОВА.	
Абдулла Орипов лирикасида қадимги туркий сўзлар.	93
ТАДҚИҚОТ	
Насим ОЧИЛОВ.	
Тарихий шахслар образларининг эпик талқин.	111
САНЪАТШУНОСЛИК	
Сайёра САИДОВА. Олам рангга бурканганда.	118
МЕРОСИМНИНГ ЎРГАНАМИЗ	
Бахриддин УМУРЗОҚОВ. Мутасаввуф олим.	136
ТЕРАН ТОМШЛАР	
Қувончбой ЎРАЗМБЕТОВ. Яхшилик саройи мўъжизалари.	140
BOLALAR DUNYOSI	
Dilshod RAJAB. Yetib keldik qoshingga, cho'qqidagi do'lana.	147
"ШАРҚ ЮЛДУЗИ" ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН	
Сирожишвили РАУФ. "Дўст-қадрдон ўтгуси..."	150
БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ	
Аъзам КОЗИХЎЖА. "Ҳисм уйи чунким эрур фоний".....	153
МУТОЛАА	
Нилуфар ЮЛДАШЕВА. Адабиётнинг таъсирчан кучи.	162
УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ	
Жамол СИРОЖИДДИН.	
Қуёш мисли самандар чир айланар фалакда.	162
БУЛОК КЎЗ ОЧДИ	
Абдубанноб МАНСУРОВ.	
Ўқримни суратга олар лаҳзалар.	170
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ юлдузи

2022

12-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят иқоши жамоаси ҳукми назаридан фараланиши мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» интисослиги бўйича рўйхатида киритилган.

* Журналда обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилнинг:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳиўча, Адиблар кўчаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.ru

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

20.01.2021

Қоғоз бичими 70x108 1/16

Офсет босма усулида офсет қоғозда

босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адаби 1900 нуска.

Буюртма № 2

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини таъшириш учун журналнинг босмақонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

"PRINT REBEL" МЧЖ

мағбаа қорқонасида чоп этилди.

Қорқона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Уроқбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххихлар:

Дилфуза Маҳмудова

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Шаҳриёр Ибраҳимов

Copyright © «Шарқ юлдузи»